

«Халк сўзи».

Барча ҳудудда “Янги Ўзбекистон” боғлари, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилинмоқда. “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари қаторида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Шу кунларда одамлар ҳашарлар қилиб, қўчат ва гуллар экиб, янги боғлар, сайилгоҳлар яратаётганини айтмаса ҳам бўлади. Айни пайтда бутун мамлакатимизда байрам кайфияти ва бунёдкорлик руҳи ҳукмрон.

Наврўзи олам бизни табиат фарзанди бўлиб, Ватан тупроғини, она заминдаги ҳар бир гиёҳни кўзимизга тўтиё қилиб яшашга ўргатади. Наврўз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради. Шу

қийноқларнинг олдини олиш, очкилик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби йўналишларда ижобий натижаларга эришилди. Хуллас, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самараларини бермоқда дея баралла айтоламиз.

Дейлик, ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ўз медаларини узоқ куттиргани йўқ. Янгиланиш ва ёшариш байрами — Наврўз арафасида ёшларимиз қўлга киритган зафарлар барчамизни мамнун этди. Ёш спортчиларимиз эришган натижалар айёмга муносиб совға бўлди. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қизгин беллашувларда мустақам ирода ҳамда ма-

жий шериклар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курсни айнан ана шундай тавсифламоқда.

Наврўз айёми муносабати билан Президентимиз номига келаётган кутловларда ҳам ана шундай ислохотларимизга, давлатимиз раҳбарига бўлган юксак ишонч кўриниб турибди.

“Мен Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратаман. Сизнинг жорий йил май ойига режалаштирилган илк “Хитой — Марказий Осиё” саммитида иштирок этишингизни ва Хитойга давлат таширфингизни кутиб қоламан, — дейилади ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Президент Шавкат Мирзиёевга йўллаган табригида. — Сиз билан биргаликда Хитой —



НАВРЎЗИ ОЛАМ ФАЛСАФАСИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ



файзли лаҳзаларда тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг қадр-қиммати ва аҳамиятини янада чуқур англаяпмиз десак, англишмаймиз. Зеро, буларнинг бари тинчлик шарофатидан. Хотиржамликсиз ислохотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар юксак суръатларда амалга ошмайди. Иқтисодий соҳани оласизми, ташқи сиёсатни ёхуд таълиму маданият тармоқларинингми — барча-барча жадал ўзгаришлар энг бефарқ одамнинг ҳам камида ҳайратига сабаб бўлиши айни ҳақиқатдир.

Машаққатли ва жасоратли меҳнат меваси

Ўтаётган ҳар бир йил, ой, кун ва дақиқамиз бутун дунё, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам гоят мураккаб ва синовли бўлаётир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 декабр кuni Олий Махлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида қайд этганидек, “*Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни аққол исботлаб бермоқда: тараққиётга — фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади*”.

Президентимизнинг айнан шундай қатъий ва оқилона сиёсати туйғайли, пандемия ва глобал инкйрознинг салбий таъсирларига қарамасдан янги Ўзбекистонда инсон қадрини ҳар томонлама таъминлаш бўйича ислохотлар изчил давом этмоқда. Қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари каби рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилляпти. Умуман олганда, 2022 йилда жами 24 та рейтингнинг 15 тасида Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди.

Афсуски, зиддиятларга тўла дунёда бу борадаги аҳвол у қадар “йўзал” эмас. Гап шундаки, пандемия оқибатларини тўла бартараф этишга улгурмасдан жаҳон минтақаларида рўй бераётган можаролар янги глобал инкйрознинг бошланишига олиб келди. Сайёрамизнинг турли ҳудудларида озйқ-овқат маҳсулотлари, энергия ва ўғитларга нарх-навоининг кескин ошиб кетишидан, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар катта зарар кўрмоқда. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш таъкидлаганидек, можаролар алангаси “тенгсизлик, ночорлик ва молиялаштиришдаги етишмовчиликлар билан янада авж оляпти”. Бундан ҳам ачинарлиси, инкйроз оқибатида ўтган йили 1,2 млрд. аҳоли яшайдиган 74 та ривожланаётган мамлакатдаги инсонларнинг турмуш шароити кескин ёмонлашди.

Шундай мураккаб ва синовли даврда Ўзбекистон учун муҳим бўлган қатор тadbирлар амалга оширилгани ва ўз самараларини бергани диққатга лойиқдир. Биринчидан, аҳоли муурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмлар татбиқ этилди. Иккинчидан, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимизни қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш,

ҳорат намунасини кўрсатиб, Осиё чемпиони деган юксак шарафли номга эришди. Бу билан улар Индонезияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди. Ўзбекистон ва Ироқ ёшлар терма жамоаларининг тарихий ўйинини Президент Шавкат Мирзиёев шахсан стадионга ташриф буюриб кузатди. Давлатимиз раҳбари терма жамоамизни тақдирлаш маросимида ҳам иштирок этди ва бош соврин — Осиё кубогини ёш қаҳрамонларимизга шахсан ўзи топширди. Ёш футболчиларимиз билан бирга хоккейчилар ва шахматчиларимиз қўлга киритган ютуқларни ҳам алоҳида эътироф этиш керак. Хоккейчиларимиз Осиё чемпионлигини қўлга киритиб, янги Ўзбекистонга, миллионлаб тенгдошларига ўрнак ва намуна бўладиган жасорат кўрсатишди.

Шу маънода, бу йилги Наврўз юртимизга қувончли воқеалар, қўшалоқ байрамлар билан кириб келди десак, муболага эмас. Айни кунларда яна бир фазилатли ой — муқаддас Рамазонни шариф ташриф буюрди. Қолаверса, 22 март кuni Маҳалла тизими ходимлари кuni ҳам кенг нишонланди. Президентимиз ватандошларимизни, маҳалла тизими фаолларини қўшалоқ байрамлар билан кутлади, Фармонга биноан бир гуруҳ фаоллар Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар

Халқимизнинг жипслиги, бирдамлиги ва ўзаро ҳамжиҳатлиги туйғайли янги Ўзбекистонимиз йилдан-йилга ривожланиб, халқаро ҳамжамият томонидан ҳам юксак эътироф этилаётир. Ўзбекистоннинг иқтисодий очиклиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммоли масалаларни яқдрилиқ, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик асосида ҳал этишга интилиш, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиш, сиёсий ишонч ва халқаро ҳуқуққа риоя этилиши асосидаги ўзаро ҳамкорликка интилиш — хори-

Очиқ ва конструктив ташқи сиёсат

Корея Республикаси элчиси Ким Хи Санг фикрича, Ўзбекистонда бошланган тўб ислохотлар мамлакатнинг янги, замонавий ривожланиш ва модернизация йўлига ўтишида, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати самарадорлигини оширишда беқеъс аҳамиятга эга бўлди.

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг очик ва конструктив ташқи сиёсати туйғайли мамлакатнинг халқаро муносабатларда тугган ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада мустаҳкамланди, — дейди элчи Ким Хи Санг. — Асосий натижалардан бири, бу — Ўзбекистон имижининг тубдан ўзгаргани. Айниқса, янгиланаётган Ўзбекистон Конституцияси, биринчи навбатда, ўзбек халқининг қадрини, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди, бошқа томондан, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксакликка кўтарди. Зеро, Асосий Қонунда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборот излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда. Конституцияга фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, жамиятда очкилик, ошқоралик ва қонунийлик муҳити, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, қучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш кафолатларига бағишланган алоҳида бoб киритилгани ҳам эътиборга молик.

“Каспий сиёсати маркази”нинг директори Ёфган Ниғфи фикирча, Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа ва дунё

БУГУНГИ УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАРДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПМОҚДА

«Марказий Осиё руҳи» шаклланмоқда

Шавкат Мирзиёев президентлигининг дастлабки кунлариданоқ Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятни тубдан яхшилашга устувор эътибор бера бошлади. Қўшни давлатлар билан олий даражадаги ишончли муносабатлар ва очик мулоқот ўрнатилиб, икки томонлама ва умумминтақавий масалаларни яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва оқилона муросалар асосида ҳал қилиш учун зарур келишувларга эришилди. Ўзбекистоннинг барча Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Мазкур ибора минтақамизда яратилган ҳамкорлик ва ўзаро англашувга ижобий сиёсий муҳитни ўзида яққол акс эттиради.

— Ўзбекистон раҳбарининг бевосита ташаббуси билан минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш механизми йўлга қўйилди, — дейди Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муса Жамаубаев. — Бундай саммитларнинг тўрттаси Остона, Тошкент, Аваза ва Чўлпонотада бўлиб ўтди. Марказий Осиё иқтисодий форумлари ўтказиб келинмоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси, маданий

гуманитар ҳамкорлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Минтақавий ҳамкорликнинг қолган асосий масалалари ҳақида фикр юритилганда чегара масалаларини ҳал қилишда давом этиш, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда ва оқилона фойдаланиш, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш, минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, шунингдек, қатор экологик масалалар бўйича ишларни давом эттиришни кўрсатиш мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон билан эришилган келишувлар асосида чегара масалалари ҳал қилингани мисли қўрилмаган умумий ютуғимиз бўлди. Иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим ва маданий-гуманитар баҳолардаги алоқалар ҳам фавқулашиб бораётир. Йил бошидан буён мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичи 30 фоизга ошиб, 1 миллиард долларга етган. Минтақавий инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Қамбарота гидроэлектр станцияси ҳамда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши бошлангани ҳам дўст халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилади.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги шахар қуриш осон бўлмаган. Ваҳоланки, қурраи заминда хатарли вазият ҳужм сураётган, геосиёсий зиддиятлар авж олаётган, заминимизга экологик таҳдидлар хавф солаётган шароитда “қуруқ ердан” янги шахарни барпо этишга киришишининг ўзи катта қаҳрамонлик. Бундай қарорга келиш учун қучли сиёсий ирода зарур. Демак, Ўзбекистон — барқарор иқтисодий юксалиш йўлида. Бунинг учун маблағ ҳам, қучли истак ҳам топилди. Яъни Ўзбекистон ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда бемисл ўзгаришларга қадам қўйган ва бу йўлдан дадиллик билан ишгариламоқда. Мақсад, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги шахар қуриш осон бўлмаган. Ваҳоланки, қурраи заминда хатарли вазият ҳужм сураётган, геосиёсий зиддиятлар авж олаётган, заминимизга экологик таҳдидлар хавф солаётган шароитда “қуруқ ердан” янги шахарни барпо этишга киришишининг ўзи катта қаҳрамонлик. Бундай қарорга келиш учун қучли сиёсий ирода зарур. Демак, Ўзбекистон — барқарор иқтисодий юксалиш йўлида. Бунинг учун маблағ ҳам, қучли истак ҳам топилди. Яъни Ўзбекистон ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда бемисл ўзгаришларга қадам қўйган ва бу йўлдан дадиллик билан ишгариламоқда. Мақсад, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

диётдаги хорижий инвестициялар ҳажми 10 баравар ошиб, 40 миллиард долларга яқинлашди. Келгуси ўн йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини икки баробарга ошириш мақсад қилинган. Бундай улугвор марраларга эришиш учун сармоялар ҳажмини келгуси беш йилда 120 миллиард долларга етказиш, жумладан, камида 70 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг олдинга силжиши, Евроосий иқтисодий иттифокда кузатувчи давлат мақоми олишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар жараёнини яқунламоқда ва “GSP+” тизимида бенефициар давлат мақомини олди. Умуман айтганда, юқорида кўрсатилган омилларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамкорликка очик мамлакат сифатида янги қиёфаси шаклланишига хизмат қилди. “Янги Ўзбекистон” тушунчаси халқаро майдонда мустаҳкам жой олди.

«Марказий Осиё руҳи» шаклланмоқда

Шавкат Мирзиёев президентлигининг дастлабки кунлариданоқ Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятни тубдан яхшилашга устувор эътибор бера бошлади. Қўшни давлатлар билан олий даражадаги ишончли муносабатлар ва очик мулоқот ўрнатилиб, икки томонлама ва умумминтақавий масалаларни яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва оқилона муросалар асосида ҳал қилиш учун зарур келишувларга эришилди. Ўзбекистоннинг барча Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Мазкур ибора минтақамизда яратилган ҳамкорлик ва ўзаро англашувга ижобий сиёсий муҳитни ўзида яққол акс эттиради.

— Ўзбекистон раҳбарининг бевосита ташаббуси билан минтақамиз давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини мунтазам ўтказиш механизми йўлга қўйилди, — дейди Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муса Жамаубаев. — Бундай саммитларнинг тўрттаси Остона, Тошкент, Аваза ва Чўлпонотада бўлиб ўтди. Марказий Осиё иқтисодий форумлари ўтказиб келинмоқда. Савдо-иқтисодий алоқалар, саноат кооперацияси, маданий

гуманитар ҳамкорлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Минтақавий ҳамкорликнинг қолган асосий масалалари ҳақида фикр юритилганда чегара масалаларини ҳал қилишда давом этиш, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда ва оқилона фойдаланиш, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш, минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, шунингдек, қатор экологик масалалар бўйича ишларни давом эттиришни кўрсатиш мумкин.

Айниқса, Ўзбекистон билан эришилган келишувлар асосида чегара масалалари ҳал қилингани мисли қўрилмаган умумий ютуғимиз бўлди. Иқтисодий, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим ва маданий-гуманитар баҳолардаги алоқалар ҳам фавқулашиб бораётир. Йил бошидан буён мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичи 30 фоизга ошиб, 1 миллиард долларга етган. Минтақавий инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Қамбарота гидроэлектр станцияси ҳамда Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши бошлангани ҳам дўст халқларимизнинг умумий манфаатларига хизмат қилади.

Дунё тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, янги шахар қуриш осон бўлмаган. Ваҳоланки, қурраи заминда хатарли вазият ҳужм сураётган, геосиёсий зиддиятлар авж олаётган, заминимизга экологик таҳдидлар хавф солаётган шароитда “қуруқ ердан” янги шахарни барпо этишга киришишининг ўзи катта қаҳрамонлик. Бундай қарорга келиш учун қучли сиёсий ирода зарур. Демак, Ўзбекистон — барқарор иқтисодий юксалиш йўлида. Бунинг учун маблағ ҳам, қучли истак ҳам топилди. Яъни Ўзбекистон ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда бемисл ўзгаришларга қадам қўйган ва бу йўлдан дадиллик билан ишгариламоқда. Мақсад, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

Бахт-саодатга эришув йўли

Дарҳақиқат, шундай. Зотан, буюқ файласуф Форобий ҳам “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола”да “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, — деб ёзади, — бу эса илм ва катта меҳнат, изланиш ёрдамида қўлга киритилади”.

Бинобарин, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар халқнинг қалбига, дардига, умуман, ҳаётига ҳамоҳанг бўлаётганини кўриб-билиб турибмиз. Эндиликда давлат сиёсатининг устуворлиги у ё бу минтақа ва айрим соҳага эмас, балки халқнинг эркин ҳаётини таъминлашга, одамлар эҳтиёжини қондиришга қаратилганлиги мамлакатимизда демократик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг мазмунан бутунлай янги босқичига қадам қўйилганини кўрсатмоқда. Одамлар ичларида йиллар давомида йиғилиб қолган дардларини айтмоқда. Беш-ўн йил бурун бугунги кундагидек кўнғилдагини айтиш мумкин бўлишини кўпчилигимиз тасаввур ҳам эта олмас эдик.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги етти йилда юртимизда анагина ишлар амалга оширилди. Қўллаб-қараксиз тўсиқларнинг бекор қилиниши туйғайли республикада мутлақо бошқача муҳит шаклланмоқда. Албатта, мамлакатимизда ўзига яраша муаммолар ҳам йўқ эмас. Лекин узоқ йиллар давомида тўплаган қолган ҳамма нарсани бир пасда бартараф этишнинг имкони борми? Имкони бўлганда бирорта камчилик, муаммонинг ўзи қолмаган бўлар эди.

Шундай экан, шуни ҳам тан олишимиз жоизки, дунёдаги энг ривожланган давлатларда ҳам ҳамма нарса рисоладагидек бўлмаганидек, ҳамма ҳам тўқисликда яшаётгани йўқ. Таъбир жоиз бўлса, сўнгги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилган ишлар бир неча ўн йилликларда ҳам амалга ошмаган эди. Бу ҳоқ сиёсатда бўлсин, хоҳ иқтисодий бўлсин.

Қисқаси, “Инсон қадри учун” тамойили асосида қутлуг заминимизда бугун ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити яратилмоқда. Янгиланаётган Конституциянинг халқимиз хоҳиш-иродаси — референдум йўли билан тасдиқланиши эса, аввало, инсон манфаатини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди.

Ха, бугун мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўзгаришлар даври бошланмоқда. Бу — янги тараққиёт ва миллий юксалиш давридир. Учинчи Ренессансга қўйилган пойдевор, албатта, кўп миллатли халқимизни дунёдаги ривожланган давлатларга ҳос ҳаёт даражасига эришиш, адолатли, эркин ва обод жамият қуриш, туганмас бахт-саодатга етишишдек улугвор мақсадларга етақилайди.

Ўткир РАҲМАТ.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамалямасидан олинди.

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ МАҚОМИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Адвокатура фаолияти қонунийлик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш принциплари асосида олиб борилиши конституциявий қоида тарихисида мустаҳкамланаяпти. Яъни адвокатуранинг ташкилий-институционал мустақиллиги тўлиқ қонун билан белгиланади ва давлат муҳофазасида бўлади. Шу билан биргаликда, адвокатура ўзининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ҳомиятини йўқотмайди, аксинча унинг бундай мақоми конституциявий даражада эътироф этилиб, давлатнинг ҳеч бир аралашувисиз ўзини ўзи бошқариш тизими кафолатланмоқда.

Табииyki, кимдадир айнан адвокатура институтига бундай эътибор сабаби нимада, деган савол туғилиши мумкин. Бунга бугунги ҳаёт ҳолати ва воқеалар ривожидан келиб чиқиб, жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Айни пайтда республика бўйича 4 577 нафар адвокат фаолият юритмоқда, яъни 8,5 минг аҳолига ўртача битта адвокат тўғри келади. Бу ривожланган давлатлар билан қиёслаганда жудаям паст кўрсаткич. Шу маънода, мазкур соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаётгани айни мудоаидир.

Адвокатуранинг мустақиллиги деганда ўзи нима тушунилади? Адвокат мустақиллиги бир-бирини тақозо этадиган узвий кафолатлардан иборат. Жумладан, адвокат дахлсизлигига адвокатлик сирини ошқор этишни талаб қилишни тақиқлаш, адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлигини ошириш, давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолати берилиши орқали эришилади. Ушбу кафолатларнинг барчаси янгиланаётган Конституцияда мустаҳкамланмоқда.

Албатта, бугунга қадар адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш юзасидан қатор чоралар кўрилди. Масалан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш жараёни соддалаштирилди, яъни адвокат лицензияси фақат суд томонидан тўхтатилиши ёки бекор қилиниши белгилаб қўйилди. Адвокатга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри прокурори томонидангина амалга оширилиши мумкин, қўйи бўғинлардаги прокурорлардан бундай ваколат чиқарилди.

Қолаверса, адвокат ўз касбий фаолиятини мустақил амалга ошириши конституциявий даражада кафолатланиши, шубҳасиз, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасига ижобий таъсир этади. Қачонки, судда қонуний ва адолатли суд қарори қабул қилинишида тарафлар тортишуви муҳити — яъни адвокат ва прокурор ўртасида процессуал имкониятлар тенглиги, соғлом баҳс, музокаранинг таъминланиши нияҳтда муҳимдир.

Албатта, янги таҳрирдаги Конституциянинг 141-моддаси адвокатуранинг институционал аҳамияти ва ташкилий мустақиллиги кафолатланган бўлса, 142-моддаси билан бир қатор янги қоидалар назарда тутилмоқдаки, уларда фуқароларга малакали юридик ёрдам манбаи бўлган адвокатнинг ўзига қандай кафолатлар яратилаётганлиги баён этилган. Жумладан, уларнинг ҳар бири адвокатнинг ҳуқуқий ва процессуал мақоми мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашмишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Мазкур қонданинг аҳамияти нимада?

Шубҳасиз, бундай норма ад-

вокатура тизимига жиддий ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, айтиш керакки, адвокатуранинг гувоҳлик имунитети ва унинг фаолиятига аралашмиш тақиқи адвокатлик фаолиятига оид қонунлар ва процессуал қонунчиликда ҳам белгиланган. Лекин мазкур қоидаларнинг конституциявий даражада ўрнатилиши уларнинг реал таъминланиши имконини оширади. Бу ерда гап, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақида бормоқда ва мазкур қатъий қоидалар жиноят иши юритувига масъул бўлган шахслар — терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилиб, улар адвокатнинг бу кафолатларини таъминлаб беришга мажбур эканлигини англатади. Нима учун айнан шу субъектларга бу мажбуриятнинг юклатилиши муҳим?

Чунки суд-тергов амалиёти шуни кўрсатадики, адвокатларнинг касбий фаолиятига аралашмиш, уларнинг ҳимоя позициясини олиб боришида турли бевоқиф ва билвосита босим ҳолатлари айнан жиноят иши юритуви жараёнида кўпроқ кузатилади. Конституциявий кафолат шариоитида эса адвокат бундай хавфлардан ҳимояланади, ўз ваколатлари доирасида дадил ҳаракатлар билан бир қатор янги қоидалар назарда тутилмоқдаки, уларда фуқароларга малакали юридик ёрдам манбаи бўлган адвокатнинг ўзига қандай кафолатлар яратилаётганлиги баён этилган. Жумладан, уларнинг ҳар бири адвокатнинг ҳуқуқий ва процессуал мақоми мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашмишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Мазкур қонданинг аҳамияти нимада?

Шубҳасиз, бундай норма ад-

вокатура тизимига жиддий ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, айтиш керакки, адвокатуранинг гувоҳлик имунитети ва унинг фаолиятига аралашмиш тақиқи адвокатлик фаолиятига оид қонунлар ва процессуал қонунчиликда ҳам белгиланган. Лекин мазкур қоидаларнинг конституциявий даражада ўрнатилиши уларнинг реал таъминланиши имконини оширади. Бу ерда гап, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақида бормоқда ва мазкур қатъий қоидалар жиноят иши юритувига масъул бўлган шахслар — терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилиб, улар адвокатнинг бу кафолатларини таъминлаб беришга мажбур эканлигини англатади. Нима учун айнан шу субъектларга бу мажбуриятнинг юклатилиши муҳим?

Чунки суд-тергов амалиёти шуни кўрсатадики, адвокатларнинг касбий фаолиятига аралашмиш, уларнинг ҳимоя позициясини олиб боришида турли бевоқиф ва билвосита босим ҳолатлари айнан жиноят иши юритуви жараёнида кўпроқ кузатилади. Конституциявий кафолат шариоитида эса адвокат бундай хавфлардан ҳимояланади, ўз ваколатлари доирасида дадил ҳаракатлар билан бир қатор янги қоидалар назарда тутилмоқдаки, уларда фуқароларга малакали юридик ёрдам манбаи бўлган адвокатнинг ўзига қандай кафолатлар яратилаётганлиги баён этилган. Жумладан, уларнинг ҳар бири адвокатнинг ҳуқуқий ва процессуал мақоми мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашмишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Мазкур қонданинг аҳамияти нимада?

Шубҳасиз, бундай норма ад-

вокатура тизимига жиддий ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, айтиш керакки, адвокатуранинг гувоҳлик имунитети ва унинг фаолиятига аралашмиш тақиқи адвокатлик фаолиятига оид қонунлар ва процессуал қонунчиликда ҳам белгиланган. Лекин мазкур қоидаларнинг конституциявий даражада ўрнатилиши уларнинг реал таъминланиши имконини оширади. Бу ерда гап, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақида бормоқда ва мазкур қатъий қоидалар жиноят иши юритувига масъул бўлган шахслар — терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилиб, улар адвокатнинг бу кафолатларини таъминлаб беришга мажбур эканлигини англатади. Нима учун айнан шу субъектларга бу мажбуриятнинг юклатилиши муҳим?

Чунки суд-тергов амалиёти шуни кўрсатадики, адвокатларнинг касбий фаолиятига аралашмиш, уларнинг ҳимоя позициясини олиб боришида турли бевоқиф ва билвосита босим ҳолатлари айнан жиноят иши юритуви жараёнида кўпроқ кузатилади. Конституциявий кафолат шариоитида эса адвокат бундай хавфлардан ҳимояланади, ўз ваколатлари доирасида дадил ҳаракатлар билан бир қатор янги қоидалар назарда тутилмоқдаки, уларда фуқароларга малакали юридик ёрдам манбаи бўлган адвокатнинг ўзига қандай кафолатлар яратилаётганлиги баён этилган. Жумладан, уларнинг ҳар бири адвокатнинг ҳуқуқий ва процессуал мақоми мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашмишга йўл қўйилмаслиги белгиланмоқда. Мазкур қонданинг аҳамияти нимада?

Шубҳасиз, бундай норма ад-

вокатура тизимига жиддий ижобий таъсир кўрсатади. Албатта, айтиш керакки, адвокатуранинг гувоҳлик имунитети ва унинг фаолиятига аралашмиш тақиқи адвокатлик фаолиятига оид қонунлар ва процессуал қонунчиликда ҳам белгиланган. Лекин мазкур қоидаларнинг конституциявий даражада ўрнатилиши уларнинг реал таъминланиши имконини оширади. Бу ерда гап, Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши ҳақида бормоқда ва мазкур қатъий қоидалар жиноят иши юритувига масъул бўлган шахслар — терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилиб, улар адвокатнинг бу кафолатларини таъминлаб беришга мажбур эканлигини англатади. Нима учун айнан шу субъектларга бу мажбуриятнинг юклатилиши муҳим?

Шубҳасиз, бундай норма ад-

Сурайё РАҲМОНОВА,
Конституциявий комиссия эксперти,
юридик фанлар доктори, профессор.

ОДИЛ СУДЛОВДАН ҲОЙДАЛЕНИШ ИМКОНИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кучайтириш бўйича кенг қўлмали ислоҳотлар олиб бориламоқда.

Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонун ҳам соҳада амалга оширилаётган ишларнинг мантиқий давоми бўлди, десак, асло муболага эмас.

Кайд этиш жоиз, 2020 йилда маъмурий судлар томонидан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли идораларнинг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини қонунга хилоф деб топишга доир 6 920 та иш қўриб чиқилган, улардан 5 257 таси қаноатлантирилган. 2021 йилда эса, ушбу рақамлар кўрилган ишлар бўйича 5 761 тани, қаноатлантирилгани 3 538 тани ташкил этган.

Ушбу статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, маъмурий судлар томонидан мазкур тоифадаги низолар бўйича қўриб чиқилган ишларнинг аксарияти айнан давлат хизматларини кўрсатишга ваколатли бўлган мансбдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юзасидан берилган аризалар ҳисобига тўғри келганини кўриш мумкин.

Бу ҳолат мазкур тоифадаги низолар бўйича давлат божи миқдорини камайтириш орқали

фуқароларга одил судловга эришиш учун янада кўпроқ имконият яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида жисмоний шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари судлар орқали ҳимоя қилинишини кенгайтириш ҳамда қонунчилигимизга тегишли ўзгаришлар киритишни тақозо этаётган эди.

Ушбу қонун билан давлат божи тўғрисидаги қонунга қўшимча киритилиб, унда фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ қарорлар, ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги устидан ўларининг қонуний манфаатларини, бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судларга мурожаат қилиш чоғида давлат божи тўлови бўйича белгиланган ставкани икки баробарга камайтириш, яъни белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдоридеб бўл толови тўлаш имконияти белгиланди.

Мухтасар айтганда, мазкур қонун фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари суд тартибида ҳимоя этилишини таъминлашга, одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Абдулжон УМИРОВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Дунё инқирозлари: сабаблар, оқибатлар ва ечимлар

Оламда одамзод юксак маънавий сифатлари боис жамики мавжудотларнинг гултожи ҳисобланади. Инсон энг катта бунёдкор, обод қилувчи ва ихтирочи бўлиши билан бирга, афсуски, баъзан нафс қўйда бузгунчиликка ҳам қодир...

Одамлар ўз хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқаради, дунёни ўзгартиради. Таассуфки, шахслар ўзаро муносабатларни ўрнатиш, бойликларга эга бўлиш, уларни тақсимлаш даъвосида глобал ва минтақавий инқирозларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Дунёда содир бўлган инқирозларни ўйлаб топган ҳам, уларни бартараф этиш чораларини кўрган ҳам, илм-фанни ривожлантириб, коинотни кашф қилаётган ҳам, ўзи тўқиб чиқарган турли ақида ва ғояларга маҳкум бўлиб, бутун халқлар, мавжудотларнинг бошига турли балоларни ёғдираётган ҳам шу — “Ҳазрати инсон” ҳисобланади.

Айрим давлат арбоблари, сиёсатчиларнинг оламни ўзгартириш даъвоси, ижтимоий-иқтисодий қонун-қоидаларни инобатга олмай чиқарган қарорлари туфайли глобал инқирозлар, урушлар ва оқарчиликлар вуқудга келгани ҳам сир эмас. Дунё олимларининг қайдлари-га кўра, сайёраимизда глобал туш олган инқирозлар жами 27 тани ташкил қилади. Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик университетини олимлари, мутахассислари томонидан мазкур инқирозларнинг келиб чиқиш сабаблари, давлатлар томонидан уларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар тафсилотларига оид тарихий фактлар ўрганиб чиқилди.

Сиз — азиз газетхонларга “Дунё инқирозлари: сабаблар, оқибатлар ва ечимлар” руқни остида ушбу маълумотларни етказиб боришни мақсад қилганмиз. Бугун сизларнинг эътиборингизга “Лолалар инқирози” дея ном билан танилган голланд синдромининг келиб чиқиш сабабларини ҳавола этамиз.

«ЛОЛА ЖАЗАВАСИ» (1634 — 1637)

Кўпчилик лолалар дастлаб Нидерландияда етиштирилган, деб ўйлайди. Аслида, бу нотўғри. Ушбу гулнинг ватани Ғарбий Урта Ер денгизи ва Марказий Осиёнинг бир қисми (Покистон, Афғонистон ва Туркия) ҳисобланади. Лоланинг айрим турлари ёввойи ҳолда Шимолий Африка, Жанубий Европа ва Японияда ўсади. У Европага 1554 йилда кириб келган.

Лола Шарқдан олиб келинганда ўзига хос хусусиятга эга эди. Яъни бир неча йил ўтгач гулларнинг ранги ўзгарар эди. Бу бир дона лола пиёзнинг эгаси вақт ўтиб мутлақо янги ва ноёб навнинг эгаси бўлиши мумкинлигини англатарди. Айни шу жиҳат бозорда оддий лола пиёзларига қараганда бир неча баробар юқори нархи маҳсулот тақдим этиш имконини беради эди. 1612 йилда Амстердамда янги каталог нашр қилинди. Унда юздан ортиқ лола навлари мавжудлиги жой олган.

“Лола жазаваси” (Лоламани) нинг тадқиқ этишининг асосий муаммоларидан бири бу — тарихий манбааларнинг мавжуд эмаслиги.

XVII асрнинг дастлабки йигирманчи йилларида лола бозорининг талаб ва тақлиф доираси кенгайди. Профессорлар миришкорлар осонлиқча бозорга киришлари мумкин эди. Чунки сотув қатъий тартибга солилмаганди. Дастлаб лолалар ўта ноёб ҳисобланганили туфайли фақат юқори табақа вакиллари-нинг саройларида учратиш мумкин эди. Шунинг учун аввал лолалар зодагонлар жамиятининг ҳашаматли бойлиги бўлиб

келган бўлса, кейинчалик бозорга ўрта синф вакиллари-нинг кириб келиши туфайли боғлар барпо этиш тобора оммалашиб кетди. Хатто халқроқ савдо ҳам жуда тез ривожланади. Етказиб берувчиларнинг хилмаҳиллиги туфайли нархларга чеклов қўйилмади. Бу — миришкорлар бошқа бирон-бир култиватордан нусха қўчириш, юқори фойда олиш учун янги навларни яратишга мажбур бўлди, дегани эди. Шундай қилиб, янги яратилган навларга талаб одатий лолаларга қараганда юқорироқ бўлган.

1630 йилда янги навларга бўлган талаб тақлифдан ошиб кетди. XVII асрнинг 20-йилларида Испания билан қайта урғу бошлангани сабабли, Нидерландия иқтисодиёти инқирозга юз тутса-да, 30-йилларга келиб тез тикланиш ушбу тенденцияни янада кучайтирди.

Лолаларга талаб тобора ортиб борар, аммо таъминот етарли эмас эди. Нидерландияликларнинг асосий қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёти лола бизнесига боғланиб қолади. Мамлакатнинг катта шахарлари ҳисобланган Амстердам, Роттердам, Ҳаарлем ва Лейденда лолалар савдоси бўйича асосий оқил-сотиш ишларини олиб бориш биржалар ташкил қилинди. Бу биржаларда нафақат “жонли” лолалар олди-сотиш, балки ҳали етиштирилиб улгурмаган лола пиёзлари учун ҳам шартномалар тузилган. Уларнинг мазмунни келажакда белгиланган вақтда ва келишилган миқдорда лола пи-

ёзларини сотиш ва сотиб олишдан иборат эди (ҳозирги тилда айтганда **варрант**дан фойдаланган).

Айнан мана шу варрантлардан фойдаланиш “совун пуфаги”нинг шаклланишига олиб келади. Кўплаб нидерландияликларнинг бу бозорга ёппасига кириб келиши учун имконият яратди. Ушбу битимлар **“шаомл кўллари”**, деб ҳам аталган. Мухтасар айтганда, биржа фаолиятида “хаёт авжида” эди, фақат бу ерда акциялар эмас, балки лола пиёзлари таъминини нархларда сотилар эди. Биржа ҳаётидаги ўсиш кўплаб маҳаллий аҳолини мана шу бозорга киришга ундайди. “Лола жазаваси”да қатнашишни хоҳлаганлар ўзларининг ягона мулкларини ҳам сотиш ҳисоби-га бир жуфт лола олиш ва кейинчалик уни қиммат нархга сотишга ошмақ эдилар.

1630 йилдан кейин пиёзларнинг нархлари муттасил ўсиб бориши сабабли, бозорда янги турдаги йилни келиб чиқди: флористлар пиёзларни чайковчилик учун актив сифатида ишлатишди. Бундан ташқари, кенг жамият орасида “лола пиёзлари билан чайковчилик қилиш тез ва юқори фойда келтиради”, деган вассасалар келиб чиқди. Одамлар ўзларининг пиёзларини сотиш, тезроқ фойда олишга киришиб кетди. Бу эса бозорни ҳаракатга солувчи механизм бўлди: яъни талаб йўқ аммо тақлиф ошиб кетди. Мана шу вазият-

дан кейин биржада лолалар нархи кескин туша бошлади.

КАНДАЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ?

Инқироз 1637 йил бошида, нархлар ўсишда давом этадими ёки йўқли, деган шубҳа пайдо бўлганда юз берган. Бир кеча-кундузда лолаларнинг нархлари кескин тушиб кетиб, кўплаб оддий оилалар учун молиявий ҳалокатни юзага келтирди. Нархлар “қулагани”дан сўнг харидорлар лолалар пиёзи учун форвард шартномалари бўйича туловдан бош тортдилар. Деҳқонлар тўлашни талаб қилиш фойда бермаслигини билишган ва шу сабабли 1637 йил 23 февралда Амстердамда умумий жараёни ҳал қилиш учун учрашди. Уларнинг аксарияти 1636 йил 30 ноябрдан кейин имзоланган барча шартномалар асл нархининг 10 фоизини тўлаш бўйича қилинишига уриндилар. Ушбу қонуний, мажбурий бўлмаган тақлиф эса харидорларни ишонтира олмади. Улар ҳали ҳам шартномаларни ҳеч қандай тўловларсиз тўлиқ бекор қилишни талаб этишди.

Уша пайтдаги кўплаб маҳаллий ёзувчиларнинг фикрига қараганда, пиёзлар давлатнинг зарар қўриши ёки ривожланиши учун унчалик ҳам таъсир кўрсатмаган. Бунга иккита сабабини асос қилиб олишди: **биринчидан**, пиёзларнинг бутун савдоси давлат иқтисодиётининг унчалик катта қисми ҳисобланмаган. Бундай юмуш билан шуғулланувчи кўплаб флористларнинг



аксарияти учун эса бу қўшимча иш ҳисобланган. Ғарчи чайковчиларнинг қутилган даромадлари кўкка совурилиб кетган бўлса ҳам, қўрилган зарар, асосан, шахсий даромад ҳисобида тўғри келган ва улар ўзларини ўзлари қоплар эди. Лекин шунга қарамай инқироздан катта зарар кўрганлар етарлича топиладди. Улар кўчмас мулкни сотган ёки гаровга қўйган, нархлар тушгандан кейин эса ҳеч вақосиз қолган оддий аҳоли, ўз ерларини фойдаланиш учун флорист ва чайковчиларга берган деҳқонлар эди. Бироқ бу тарқоқ муаммо бутун иқтисодиётга таъсир қилмади ва бутун эпизод қисқа вақтда локализация қилинди.

ИККИНЧИ ЖИХАТ ИБОРАТКИ, ЛОЛА ПИЁЗЛАРИ БОЗОРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН КРЕДИТНИНГ АКСАРИЯТИ ПИБЁЗ САВДОСИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ТОМОНЛАР ВА МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ЭДИ. Шундай қилиб, кредит йўқотишлари пиёз бозориди ақралиб турди ва умуман, банкларга таъсир кўрсатмади. Бу Нидерландиянинг тўлов ва кредит тизимида бир барқарорлиқни келтириб чиқарди. Иқтисодий ўсиш учун катта таҳдид бўлган кредитларнинг музлаши “Лола жазаваси” ҳалокатининг натيجаси эмас эди. Бу ҳолатдан асосий зарар қўрганлар оддий аҳоли ва деҳқонлар бўлмади. Мунозарачиларга тинчлик билан тарқалиши Нидерландия олий судининг одил ҳукмини топишдан кўра осонроқ эди. Ушбу йўналиш бўйича ҳаракат қилган Ҳаарлем медиаторлари ўз шахарларидаги барча низоларни 1639 йил январда ҳал этдилар.

Ноанқилик ҳолати лола шинавандалари ўртасида ваҳима кўзғатди. Буклетлар, прокламациялар ва мультфильмлар тайёрланиб, мамлакат бўйлаб “ақлдан озган” чайковчиларни қораловчи лавҳалар тарқатилди. Вазият учун жавобгарларни қидириш бошланди. Бу масала бўйича парламент 1637 йил 27 апрелда қарор қабул қилди. Унга кўра, барча лола шартномалари, имзоланган санасидан қатъи назар, вақтинча тўхтатилади.

Амстердам Регенцлари шартномаларни ўз қўлида қолдиришга қарор қилди. Яъни миришкорлар ва лолани хуш қўрувчилар эса судга бериш ҳуқуқини сақлаб қолди. Ҳаарлем, Алкмаар ва бошқа барча шахарлар лола шартномаларини бекор қилди. Ноёб лола бозори икки йил ичида фалокатдан қутулди. 1637 йил ёзиди ҳақиқий битимлар нархи бир пиёз учун минг гилдерга (гектар) яқинлашди. XVII аср 40-йилларининг бошларидаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бу вақтга келиб ноёб лолаларнинг нархи 1636-1637 йиллардагига қараганда қарийб олти баравар паст бўлган.

Нархлар ва фойданинг пасайиши ортидан лолалар етиштирадиган фермер хўжаликлари сони аста-секин камайиб борди. XVII асрнинг урталарида келиб, Нидерландияда барча лола ишлаб чиқарувчилар Ҳаарлем шаҳар чегараларига тўпланиб, омон қолган ўнга яқин фермер хўжалиги миллий тақсимида қолган эди.

Шарҳ

Шарҳ

Шарҳ

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоноси келишилган нархда.

Гезетимиз ҳақидаги маълумотларни юкляб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълолар 71-232-11-15.

153N 010-078A

4 772036 4 78001

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Гезетанинг етказиб берилиши учун бунунинг расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — 3. Худойшукров.

Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6